

## Ота (Ҳикоя)

Мана пул! — деди дуконга кирган Шавкат чолворининг киссасидан бир даста пул чиқариб столга ташлаб. — Пешона терим билан топаман буни! Мана шу қадок қўлларим билан!

— У меҳнатдан қавариб кетган кафтларини ёйди. — Бу қўллар ҳаром нарса ушламайди! Мана булар эса, — у пастдаги титилиб кетаёзган эски халтадан қўнжли кирзовой ботинка ва қалин коржамасини олиб уларни ҳам стол устига қўйди. — Шоҳидларим!

Ботинка боткоққа ботавериб, кейин ювилавериб куннинг кўзида куритилаверганидан қийшайиб, нақд бетон бўлиб қотиб қолганди. Буларнинг стол устида уюлиб тургани сотувчи йигитга ёқмади, лекин ўзининг бироз айби борлигидан тилини ташлашга мажбур бўлди.

-Мана иш қуролларим, - давом этди уста. — Куни билан лой тепкилайман. Бировларнинг хизматини қиламан. Лекин... Ор-номусим жойида!

Сотувчи мулзам тортгандай бўлди.

-Болаларим ҳурмат қилишади! Чунки уларни ҳалол меҳнатим билан боққанман...

-Кечирасиз...

Сотувчи йигит дуконнинг доимий харидори бўлган уста Шавкатга вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилар эди.

-Ҳеч қандай уй-хаёлсиз, акангизнинг бироз қарзи бор, деган эдим халос...

-Аммо қарз тўғрисида бекор айтибсиз! Бир марта ярим марта қарзимни бермаган вақтим бўлганми?

-Йў-ўқ... Пул зарур бўлиб тургани учун айта қолган эдим.

Қишлоқ дўконига кирган бир-икки харидор сотувчи ва маст уста Шавкатнинг можаролашиб турганини кўриб орқасига қайтди. Сотувчи уларга «ҳечқиси йўқ, қайтинг», ишорасини қилди. Аммо улар Шавкатга қараб, «бироздан кейин келармиз», деган маънода имо қилишди.

Кайфи тароқ уста курсига чўкди. Бироз ўзига келгандай эди у.

-Болаларимни ҳурмат қиламан, улар ҳам ҳурмат қилишади, — деди уста энди ўзига-ўзи гапиргандай. — Бошқа ҳаммаси ўткинчи...

Кейин у лаш-лушларини шошилмасдан, халтасига қайта жойлади.

— Қанча қарзим бор эди?

Сотувчи йигит хижолат бўлди.

Уста аввал ўзининг қарзларини тўлади.

— Оқтиқларимнинг бергисини ҳам айтинг...

Сотувчи йигит тагин-да ўнғайсизланди.

Невараларининг ҳам қарзини берди.

Сўнг чайқала-чайқала дўконга зўрға кирган уста Шавкат шахдам қадам ташлаб уйи томон кетди.

Орадан икки кун ўтгач сотувчининг хотини нохуш гап айтди:

— Уста Шавкат қайтиш бўлибди.

— Қандай, нечун?

— Билмасам. Оқшом кечкурун соат еттида чиқаришибди.

— Жанозага айтилмадими-ку? Қўни-қўшнидан ҳам эшитмадик... — Гўё уста унинг тунов кунги муомаласи сабаб ўлгандай сотувчи йигит типирчилаб қолди:

— Нечун ўлади? Мумкин эмас!.. Ҳамиша бўлмағур гапларни топиб юрасизлар... Бир гапни айтишдан олдин сенам ўйла!

— Оқшом дўконга келган ўғли ҳам шундай деди.

– Ўғли?! — Сотувчининг кўнгли негадир бир шувиллаб кетди. Янга ўткан кунги учрашувларини эслади. Бирдан бўшашди. — Нечук хабарсиз қолибмиз?

– Бошқа ерда, касалванд энасининг ёнида бўлиб юрган экан. Шу ёқдан чиқарибдилар.

– Энаси ёлғизмикан?

– Йўқ. Ёнида Шавкат оғанинг укаси, хотин, бола-чақаси билан бор экан. Нечун у ёқда бўлиб юрган экан?

Хотини елка қисди. Ўртага биров жимлик чўкди.

– Не бўлган экан устага? — ўзига-ўзи сўзлангандай деди сотувчи йигит.

– Ким билади? Унинг ўлганини ҳам билмай қолибдилар. Ўткан куни бу ерга келиб, қарзларини бергач, энасиникига бориб, энасидан ҳол-аҳвол сўрабди-ю мазам қочиброқ турибди, деб ўз хонасига кириб кетган экан. Эрталаб турмабди чойга. Укаси ҳам, келини ҳам маст бўлиб ётган чиқар, деб иш-ишига кетаверибдилар. Кечқурун ҳам ҳеч ким унинг хонасига бош суқиб қарамабди. Ишда бўлса керак, деб. Эртаси хаммаси яна иш-ишига кетишибди. Фақат кечқурун устанинг энаси, «Шавкатжоним қайда қолди, икки кундан бери ёнимга кирмайди?» деб безовта бўлавергач, устанинг хонасини очиб кўрибдилар. У аллақачон ўлиб бўлган, жасади иша бошлаган ҳам экан...

– Икки кун уйига бормаса хотин, бола-чақаси безовта бўлиб қарамабдилар?

– Болалари уйдан қувган экан. Кўп ичасиз, деб.

– Бўлиши мумкин эмас. Ахир ҳар куни ишдан қайтаяпман, деб дўконга кириб харажат қиларди, невараларига нарса олиб уйига қараб кетар эди-ку.

– Уйдан қувиб қўйганларини кўни-қўшни билмасин, деб шундай қилар экан. Бироқ ичкарига кирмай, уйи олдидаги курсида папирос тутатиб кўни-қўшни билан салом-алик қилиб, гаплашиб ўтираркан. Неваралари теварагида ўйнаб, отаси олиб келган ширинликми, музқаймоқми, шуларни еб юришаркану, уйнинг катталаридан бирови ҳам унга келдингми, кетдингми, дейишмас экан. Қоронғу тушиб, киши кўрмас бўлганда уста астагина энасиникига, оғайнисининг олдига кетар экан.

Сотувчи йигит уста Шавкатнинг самимий, қандайдир ялинчоқ кўзларини эслади. Ичи увишди. Унинг болаларини ёмон кўриб кетди.

– Не келишмовчиликлари бор экан, уйига киритмас даражада?

– Намозхон экан, болалари. Шунга... ичасан деб...

Сотувчининг кўз олдига устанинг дўконда мўнғайиб ўтиргани ва ёдига «Болаларимни ҳурмат қиламан, улар ҳам ҳурмат қилишади. Бошқа хаммаси ўткинчи...» деган гаплари тушди.

Эртаси куни сотувчининг олдига ўша, «Отамнинг қарзи билан бизнинг ишимиз йўқ», деган устанинг тўнғич ўғли келди.

– Отамнинг қарзини тўлаб кетмокчи эдим, — деди сотувчининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб. Унинг изтироб қотиб қолган юзи оқимтир тортгандай эди.

– Отангиз қарзларини тўлаб кетган эдилар, — деди сотувчи йигит ҳам келгувчининг юзига қарамасликка ҳаракат қилиб.

– Бўлмаса бизни болаларнинг...

– Уларнинг ҳам қарзларини тўлаган эдилар.

Йигит ялт этиб сотувчига тикилди. Нигоҳлар тўқнашди. Ўғил дарҳол кўзини ерга олди. Ҳаракатсиз, сўзсиз қотиб қолди анчагача. Сўнг кўзини ердан олиб яна сотувчига қаради. Унинг кўзлари ёшга лиммо-лим эди.

— Кечирасиз, — деди у бўғиқ товушда, — кечирасиз....

**Ёзувчи Шухрат Маткарим**  
**“Kitob dunyosi” газетасидан**